



**ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИНГ
ПРОГРЕССИВ ҒОЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ, МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

Тураев С.Т.

доцент, ҚҚ хизматчиси

Аннотация: Мақолада жадинларнинг миллий маънавиятга ва адабиётга қўшган х,иссаси, илгари сурган ғоялари, улар яратган таълим-тарбия мезонлари хусусида суз юритилган.

Калит сўзлар: жадин, маърифатпарварлик, ғоя миллий маънавият

Аннотация: В статье говорится о роли жадидов в развитии национальной духовности и литературы, предлагаемые идеи, созданные ими учебно-воспитательные принципы

Ключевые слова: жадин, маърифатпарварлик, идея, миллий маънавият.

Annotation: The article talks about the role of Jadids in the development of national spiritually and literatureis, proposed ideas, the education principles they created.

Key words: jadids, enlightenment, idea, national spiritually.

Маълумки, жадинчилик (араб. “жадин” сузи “янги”, “янгилик” маъноларини англатади) [1] туркий мамлакатлар - Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон тарихига XIX аср охири XX аср бошларида муҳим ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат сифатида кирган. Айрим адабиётларнинг таҳлили орқали, жадинчилик дастлаб Қримда (XIX-асрнинг 80-йиллари) вужудга келганлигини, шу даврнинг 90-йилларида эса Ўрта Осиё мамлакатларига тарқалганлигини биламиз.

Инсоният тарихида бирор макон ва замон бўлмаганки, жамиятнинг бир маромда кечаётган ҳаётига кириб келган янгилик катта қаршиликка учраган. Жамият ва инсон ҳаётининг бир маромда кечиши, эртами-кечми, таназзулга олиб келади. Шунинг учун ҳам халқнинг пешқадам зиёлилари жамият ва инсон ҳаётида кеча бошлаган таназзулга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш учун янги ғояларни “ишлаб чиқишган”.

Жадинчилик жаҳон ижтимоий ва миллий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиё маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига жавоб берган ва ижтимоий тараккиётнинг эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ҳаракат сифатида шаклланди.

Туркистон, Бухоро ва Хивада, шунингдек айрим хорижий Шарқ мамлакатларида жунбишга келган жадин маърифатпарварлик ҳаракати катта тусиқларга учраган. Бугунги кунда биз, Туркистонда М.Бехбудий раҳбарлигида юзага келган жадин маърифатпарварлик ҳаракати қандай мураккаб шароитда янги мактабларни очгани, миллий матбуотга асос солгани, янги бадий адабиёт ва театр санъатида тамал





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

тошини қўйганини ўйласак уларнинг бу фаолиятларини фидойилик ва жасорат деб баҳолаш мумкин.

Жадидчилик ўз тарихида мураккаб ривожланиш йулида икки босқични босиб ўтган. Биринчиси - маърифатпарварлик босқичи ва иккинчиси - сиёсий босқич. Лекин жадидларнинг давлатчилик масаласига қарашлари биринчи даврданок шакллана бошланган ва иккинчи босқичда аниқ бир шаклга келган.

Жадидчиликнинг тарихимизда тутган ўрни ва кадр - киммати шундаки, биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафкурасига асос солди, озодлик, эрк, миллий гурур ва шаън ҳақида, буюк аجدодлари, бой маданияти, умуман чоризм мустамлакаси даврида унутилган қадриятлар туғрисида, овоза килди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни хал қилишда эволюцион ислохот йўли асосида, ижтимоий-даврий тузум ўзгаришларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар.

Жадидлар миллий давлатчилик тузими тарафдори бўлиб уни қуришга уриндилар, ягона мустақил Туркистон учун курашдилар ва бу билан миллий мустақиллик ғоясига асос солдилар. Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишга, озодлик, миллий гурурни тиклаш, буюк аجدодлари, бой маданияти ва мустамлака тузумининг таъзиқи остида унутилган барча қадриятларни тиклашга ундадилар.

Жадидлар таълимоти - ўз замонасининг прогрессив таълимоти бўлиб, у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки илғор фикрловчи ёшларни ҳамда барча тараққийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йуналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни хорижга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш; халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуришни назарда тутганлар.

Жадидчилик ҳаракатининг асосий ғояси аввалига маданият соҳасидаги ҳаракат тарзида намоён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг тараққиёти учун курашиш, туркий тилларни ривожлантириш, шу тилларнинг адабиётни шакллантириш ва бойитиш, дунёвий илмларни чуқурроқ ўзлаштириш, фан ютуқларидан фойдаланиш ҳамда аёллар ва эркаклар тенглиги муаммолари учун курашишга даъват қилганлар.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, жадидчилик ҳаракати аъзоларида ортга чекиниш - йули йўқотилган. Улар фаолиятларини оддий маърифатчилик ва тор доирадаги маданийлаштириш каби ишлардан бошладилар ва оқибатда бу ҳаракат кучли сиёсий кучга айланиб, ўз олдига жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек вазифаларни қўйдилар.

Президентимиз бу борада алоҳида таъкидлаганидек, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, аввало, раҳбарлар халқимиз, она юртимиз олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилиб, чинакам ватанпарвар бўлиши шарт[2]!





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Улар таълим-тарбия, илм-фан ва бошқа соҳаларда ёзганига, аввало, ўзи амал қилгани, ташаббус ва фидойилик, муаммоларни сабот билан енгиш, ечими йукдек туюлган вазифаларга муносиб жавоб топиб, ягона маслак ва натижа йулида жон фидо қилишга тайёр эдилар. Улар нафақат ислохотчи, балки курашчи бўлиб, оғир ва тахликали замонда чинакам ватанпарварлик, матонат ва жасорат намунасини кўрсатган.

Ўша замонда Ватан тақдири, халкнинг ижтимоий турмушига бефарқ бўлмасдан майдонга чиқишнинг оқибати барча учун аниқ ва равшан бўлиб, жадидлар ўзлари дунёвий билимни чуқур эгаллаган ҳолда миллат ва Ватанни фарзандларга танитиш, дунёни англантишга алоҳида эътибор берди.

Жадидлар миллатни уйғотиш, илму маърифат бериш, аввало, зиёлиларнинг иши, деб билган. Зиёли номи ва мақоми юқори масъулият экани ва унга муносиб бўлиш осон эмаслигини доимо такрорлаган. Бу борада Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозим эмас. Балки хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олгон инсонлар лозимдир”, деган сўзлари ҳаётий ҳақиқат бўлиши билан бир каторда, бугунги кунда ҳам ҳар биримиз учун амал қилиш шарт бўлган фазилатдир.

Таъкидлаш лозимки, жадидлар ўз соҳасида бугун биз инновация деб атаётган янгилик ва ўзгаришларни амалга оширишда фидойилик кўрсатгани, ҳар томонлама, намуна бўлгани, айниқса, кадрлидир.

Маърифатпарвар боболаримиз миллатни дунёдаги ривожланган халқлар даражасида қуриш орзуси билан яшаб ижод этган. [4]

Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ишқон Иброт, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир сингари маърифатпарвар боболаримизни ўз даври учун прогрессив ғояларни шижоат билан кўтаришлари орқали кўрсатган фидойиликларини эътироф этишимиз мумкин.

Маърифатпарвар жадид боболаримиз миллатнинг миллатлиги унинг она тили ва шу тилда яратилган адабиёти эканига алоҳида урғу берганликлари учун ҳам ўтган аср бошида адабиёт ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланди. Абдулла Қодирий чинакам замонавий роман жанрига, Махмудхўжа Бехбудий эса театр драмасига асос солди.

Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон Туркистон мухторияти ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этди. Мухторият тугатилгач “Илмий кенгаш”, “Чигатой гурунги”, “Нашр маориф” ташкилотлари ва “Турон” театрида адабий, илмий-маърифий ишлар билан шуғилланган. Унинг машхур “Адабиёт яшаса - миллат яшар” деган шиори миллат қалбида акс садо берди. Александр Пушкиннинг “Богчасарой фонтани” ва Михаил Лермонтовнинг “Демон” достонларини мохирлик билан ўзбек тилига таржима қилган, ҳаётдаги муҳим воқеаларни лирик қаҳрамонларининг ҳиссиёт ва кечинмалари орқали ифода этиб ижод қилган.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романи оркали халқнинг миллий онгини уйғотмоқчи бўлди, “Тарихимизнинг энг кир, кора кунлари” [4] - юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги “хон замонлари” - XIX аср ўртасидаги мудхиш тарихий жараёнлар хақида сўз очиб, бу аянчли хақиқатдан халққа сабоқ бермоқчи бўлди.

Туркистон, Бухоро, Хоразм жадиidlарини йули бир хил бўлмаган бўлиб хар бири ўзига хос хусусиятларга эга эди. Лекин уларнинг хаммаларини концептуал ғоялари хозирги давр буюк ўзгаришлар амалиётининг маънавий асослари бўлиб хизмат килди, кенг қамровли ислохотлар йўналиши ва бугунги кун стратегиясининг наслий ўзаги сифатида майдонга келди.

Шахс маънавиятини фалсафий талқинини чуқурлаштириш учун миллат тарихи, урф- одат ва анъаналари, хаётий қадриятлар билан узвий боғлиқ бўлган маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар асосий мезон бўлиб хизмат қилар экан чоризм мустамлакаси даврида маърифат, манавият кейинчалик миллий мустақиллик ғояларини илгари сурган жадиidlар харакати ва уларнинг намояндалрининг фаолиятларининг ахамиятининг муҳимлиги алоҳида эътирофга лойиқ десак бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 64 бет
2. Aminovich, S. H., & Baxshulloyevich, M. B. (2023). BOLALARNI TARBIYASI VA RIVOJLANISHIDA O‘YINLARDAN FOYDALANISH MUAMMOSI. ISSN 2181-4120 VOLUME 1, ISSUE 10 APRIL 2023, 329.
3. Aminovich, S. H., & Baxshulloyevich, M. B. (2023). JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING IJTIMOIIY-TARBIYAVIY AHAMIYATLARI. O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(18), 651-655.
4. Nematovich, X. J., Saidovich, M. O., Zaripovich, X. R., & Aminovich, S. H. (2023). To Reveal Medical and Social Factors Influencing the Formation of The Physical Development of Children of Early Age. *Journal of Survey in Fisheries Sciences*, 10(1S), 5970-5975.
5. KURKMASOVICH, A. S., & NABIJONOVICH, T. T. Amir Temur-Great Statesman and Governor, Creator, Patron of Science and Culture. *JournalNX*, 7(02), 226-229.
6. Nuriddinov, M. (2024). THE ROLE OF METHODOICAL EDUCATION IN MILITARY EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Journal of new century innovations*, 64(2), 17-20.
7. Normatov, R. T. (2024). THE IMPORTANCE OF NATIONAL MILITARY





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF PATRIOTISM IN MILITARY
PERSONNEL. *Экономика и социум*, (10 (125)), 293-296.

8. Karimov, D. S. (2024). ORGANIZATION AND STRUCTURE OF THE ARMY
OF AMIR TIMUR. ORDER OF BATTLE AND TACTICS OF FIGHT. *Bulletin news in
New Science Society International Scientific Journal*, 1(6), 29-42.

9. Odilzhonovich, K. I. (2024). THE SYSTEM OF PROFESSIONAL TRAINING OF
MILITARY PERSONNEL IN FRANCE. *Ethiopian International Journal of
Multidisciplinary Research*, 11(10), 185-192.

10. Makhsudov, O. A. (2023). The role of artillery reconnaissance in conduct of
counterbattery combat. *Best journal of innovation in science, research and development*.
Access mode: <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/551/500>–Reference
date, 6, 1-6.

11. Arifjanovich, M. O., & Samijonovich, K. A. (2021). Historical fundamentals of
the establishment and development of artillery intelligence. *ACADEMICIA: An
International Multidisciplinary Research Journal*, 11(12), 893-898.

12. Махсудов, О. А. (2020). Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари
академияси тингловчилари билан гуруҳ машқини самарали ўтказишни
такомиллаштириш йўллари. *Science and Education*, 1(5), 219-224.

13. Makhsudov, O. A. (2024). MILITARY ART OF AMIR TIMUR IN THE
CONQUEST OF INDIA. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary
Research*, 11(10), 170-174.

14. Urinov, F. S. (2024). COMBAT DRONES–DANGEROUS AND PERSPECTIVE
WEAPON OF THE FUTURE ARMED CONFLICT. *HARBIY PEDAGOG*, 1(2), 73-80.

15. Ишанходжаева, Г. Т., & Кодирова, З. М. (2024). ПОДОСТРЫЙ
СКЛЕРОЗИРУЮЩИЙ ПАНАЭНЦЕФАЛИТ У ДЕТЕЙ: КЛИНИКО-
НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ. *Scientific Journal Of Medical Science And
Biology*, 3, 6-11.

16. Rakhimbayeva, G. S., Ishankhodjaeva, G. T., & Asomova, N. I. (2021).
Postcovid syndrome in children: clinical and neurological aspects of the problem. *Asian
journal of Pharmaceutical and biological research*, 10(2).

17. Xayrulloevna, S. Z. (2023). Development of the detective genre in American
literature. *International Journal Of Literature And Languages*, 3(03), 24-33.

18. Xayrulloevna, S. Z. (2024). THE NOIR LEGACY AND ITS INFLUENCE ON
CONTEMPORARY LITERATURE. *International Journal Of Literature And
Languages*, 4(05), 18-24.

19. Янги Ўзбекистон газетаси. М. Рустамбоев. 3 бет

20. Қодирий А. Уткан кунлар. Шарк нашриёти, Тошкент, 2012

21. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. Маънавият нашриёти,
Тошкент, 2008

